

“Кафолат принт компани” нашриёти томонидан чоп қилинди [7:648]. Проф. Х.Дадабоев, ф.ф.д. М.Абжалова, ф.ф.ф.д. У.Рашидовалар томонидан “Ўзбек тили синонимларининг ўқув лугати” тузилиб, 2023 йилда “Bookmany print” нашриётида чоп қилинди [8:810]. Мазкур лугатлар олий ўқув юрти талабалари, магистрантлар, докторантлар, олимлар, шунингдек, ўзбек тили билан қизиқувчи барча инсонлар учун жуда зарурий қўлланма бўлиб ҳисобланади. Бундай лугатларнинг бошқа турларини ҳам тузиш Фармонда асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Фармонда телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва 2030 йилгача барча ушбу соҳа вакилларининг малакасини ошириш белгиланган.

Фармоннинг в) бандида давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун дастурий маҳсулотлар ва электрон лугатлар яратиш белгиланган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан “Ўзбек тилида иш юритиш” қўлланмаси ҳозирги кунгача 9 марта нашр қилинди. Шу марказнинг Қорақалпоғистон бўлими томонидан “Қорақалпоқ

тилида иш юритиш” қўлланмаси эса 4 марта қайта нашр қилинди.

Хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш бандининг ижросини таъминлаш мақсадида докторант Г.Эргашева ва доцент С.Адилова ҳамда МУТУЛ жамоаси томонидан 2020 йилда “Ўзбеккона” (А 1 даража), яқинда ушбу қўлланманинг иккинчи қисми (А 2 даража) нашр қилинди. Келажакда бу каби қўлланмаларнинг бошқа турлари ҳам яратилса, хориждаги ўзбек тилини ўрганувчилар учун яхши имконият бўлади.

г) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги вазифалар сифатида хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини, «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари сонини, ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар микдорини ошириш» каби вазифалар белгиланган [9].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз раҳбарлари миллий кадриятимиз, энг бебаҳо бойлигимиз бўлган она тилимизнинг рағнақ топиши, халқаро нуфузининг ошиши, чет элларда ҳам эътироф қилиниши ва миллатлараро муомала воситаси бўлиши каби муҳим ижтимоий вазифаларни адо этишини таъминлаш мақсадида долзарб Фармон ва Қарорларни қабул қилмоқдалар. Биз бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминласак, бу мақсадларга албатта эришамиз, деб ўйлайман.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Lex. Uz.
2. “Давлат тили ҳақида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Янги таҳрирда. Lex. Uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Lex. Uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Lex. Uz.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. –380 с.
6. Раҳматуллаев Ш., Маҳмудов Н., Холманова З., Ўразова И., Рихсиева К. Ўзбек тили фразеологик лугати. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нарийёт-матбаа ижодий уйи, 2022. –636 с.
7. Ўзбек тилининг катта имло лугати. Проф. Н.Маҳмудов таҳрири остида. –Тошкент: Кафолат принт компани, 2023. –648 с.
8. Дадабоев Х., Абжалова М., Рашидова У. Ўзбек тили синонимларининг ўқув лугати. –Тошкент: Bookmany print, 2023. –810 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони. Lex.Uz.

РЕЗЮМЕ. Мақолада давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш, мамлакатимизда тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишланган Фармонларнинг ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется социальная значимость указов, посвященных мерам по развитию государственного языка, повышению его влияния, совершенствованию языковой политики в нашей стране.

SUMMARY. The article analyzes the social significance of the decrees dedicated to the development of the state language, increasing its influence, and measures to improve the language policy in our country.

АЖИНИЁЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ ТИЛИ

Г.Қарлибаева – филология фанлари доктори, профессор

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: сўз маъноси, кўп маънолик, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Ключевые слова: значение слова, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Key words: meanings of word, different meanings of words, polysemy, semantics, metaphor, metonymy.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини англашга бўлган асрий интилишлари, миллат тафаккури ва онгида доимий давом этадиган миллий, маънавий, мафкуравий қайта тикланиш жараёнлари адабий меросга, халқ оғзаки ижоди, юксак маънавияти ва маданиятига, она тилининг шаклланиши ва такомилга янгича нуктаи назардан ёндашишни тақозо этади. Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тилининг лингвопоэтик хусусиятлари ва ижодкорнинг луғавий бирликлардан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини тадқиқ этиш асосида тил тараққиётини белгилайдиган етакчи тамойилларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо кадриятлари – тили, фольклори ва ёзма адабиётини яхлит бадиий тизим сифатида таҳлил

қилиш, ҳозирга қадар илмий муомалага олиб қирилмаган адабий манбаларни кенг оммалаштириш, миллий тилнинг шаклланиш тамойиллари ва тараққиётида ёзма адабиётнинг тутган ўрнини кўрсатиб беришнинг кенг имкониятларини очди. Сўнгги йигирма беш йил ичида қорақалпоқ тилшунослигида тил ва бадиий тафаккур масаласининг кун тартибига чиққанлиги ҳам миллий ўзликни англаш, маънавий кадриятларни тиклаш ва тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж натижасидир. Зеро, «улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни хайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими,

янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир» [1].

Кенг камровли лисоний маданиятни ўзида ифодалаган XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёз Қўсибой ўғли ижодини лексик-семантик ва услубий жиҳатдан таҳлил қилиш қорақалпоқ адабий тили тарихий тараққиётининг етакчи тамойилларини очишга асос беради. Ажиниёз ижоди ноёб лингвопоэтик ҳодиса сифатида ўз даври тили ва маданий кадриятларини тўлақонли акс эттирувчи адабий манбадир.

Шу боис Ажиниёз поэзиясини лексик-семантик ва услубий жиҳатдан ўрганиш қорақалпоқ тили тараққиётининг муҳим аспектларини, ўша давр қорақалпоқ адабий тилининг лингвопоэтик табиатини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

XIX аср қорақалпоқ мумтоз поэзияси миллат маданияти тараққиётида олтин ҳалқани ташкил қилади. Жорий ижодий босқичда ифода ва тасвир имкониятлари анъанавий услубий қўлланма ҳосил қилиш баробарида давр ижтимоий-тарихий манзарасини чизиш, ҳаётий-маиший муаммолар ҳажмини умумлаштириш, воқеа-ходисот моҳиятига кириб боришга мойиллик, халқ маънавияти ва манфаат-эҳтиёжларини таҳлиллашга интилиш анъанага айланаёзди. Хусусан, Кунхўжа шеърлятида сўз ва тасаввур бир-бирини тўлдирувчи ажиб уйғунликка эришади, Ажиниёз лирикасида диний-маърифий ақидалар устуворлашуви қабариб кўринади, Бердақ назмида халқона оҳанг ижод фалсафаси шаклланишига замин ҳозирлайди, Оташ ва Омарлар бадиий изланишларида бўртиб турадиган ўзига хос адабий тафаккур оламни эстетик идроклаш жараёни чексизлигини амалий далолатлайди. Мавжуд услубий бирикув, ўз навбатида, қорақалпоқ адабий тили меъёрлари шаклланиши ва тақомилида муайян салмоқ касб этади.

Қорақалпоқ адабий тилининг шаклланиши, ривож ва тақомиллашувида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. У қорақалпоқ адабиётига туркийзабон халқлар учун умумий бўлган ёзма адабиёт анъаналарини олиб кирди. Шу маънода, Ажиниёз адабий меросини қорақалпоқ ёзма адабиёти ва адабий тил тадрижи тизими яхлитлигида ўрганиш муҳим илмий эҳтиёжлар келтириб чиқаради.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир яшаган даврда қорақалпоқ адабий тили тарихида иккита йўналиш муҳим саналган. Биринчи йўналиш – қорақалпоқ халқи ҳаётида амалда бўлган умумхалқ сўзлашув услуби негизда асарлар яратиш, иккинчи йўналиш – бир неча асрлик Марказий Осиё маданий ҳаётида ҳукм сургун туркий адабий тил анъаналарига таянган ижод намуналарини ривожлантиришга бориб тақалади. Қорақалпоқ ёзма адабиёти ва адабий тилининг шаклланиши ҳам ана шу туркий адабий тил анъанаси билан боғлиқ. Марказий Осиёда амалда бўлган туркий адабий тил ҳудудда яшайдиган барча туркий халқлар учун муштарак тил вазифасини ўтаган. Ҳар бир туркий халқида адабий тилнинг маҳаллий вариантлари вужудга келган ва у ўз таркибига ўша этносларнинг умумхалқ сўзлашув тили воситаларини камраб олган. XIX асрнинг иккинчи ярмида мазкур адабий тилнинг қорақалпоқча варианты шакллана бошлаганлигини мавжуд ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар ва қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарларининг ёзма нусхалари тасдиқлайди. Туркий адабий тил анъаналари араб ёзувида битилган «Алпомиш», «Едиге» дostonлари қўлёзма нусхалари тилига оз таъсир қилган бўлса, Ажиниёз асарлари ва ҳуқуқий ҳужжатлар тилига кўп таъсир ўтказган.

Ажиниёз ижодига Шарқ халқлари адабиёти етук намоёндаларининг таъсири ҳам кучли бўлган. Бу эса шоирга ёзма адабиёт анъаналаридан ижодий

фойдаланиб, умумхалқ қорақалпоқ тили асосида адабий тил меъёрларини муайян бир тартибга тушириш учун катта имконият яратган. Шу маънода у қорақалпоқ ёзма адабий тилига туркийзабон халқлар учун муштарак бўлган туркий адабий тил анъаналарини олиб кирган тарихий сиймодир.

Ажиниёз Шарқ шеърлятини яхши билган, унинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, тажрибаларини чуқур ўзлаштирган шоир сифатида қорақалпоқ поэзиясини жанр, шакл, бадиий воситалар ва услуб жиҳатидан анча бойитди. Тил бадиий тасвир воситаларининг маъно мукамаллигига эришиш учун ундан поэтик санъатлар ифодаси сифатида моҳирона фойдаланди. Қорақалпоқ адабиётида сўз қўллаш санъатини адабиётнинг руҳий-эстетик моҳияти ва инсон ботиний дунёсини очиб бериш тамойилларига бўйсундирди, қорақалпоқ адабиётини халқчил, инсонпарвар, теран ички туйғуларни нозик ифодаловчи адабиёт ўзанига буриб юборишга эришди.

Ажиниёз ўз асарларида Шарқ мумтоз адабиётининг етук намоёндалари – Навоий, Ғузулий, Махтумқули асарларидан чексиз илҳомланди, уларни ижодий қайта ишлаб, қорақалпоқ ёзма адабиётини шаклан ва мазмунан бойитди, тилини эса оддий сўзлашув тилидан гўзал адабиёт тилига айлантди. Дарҳақиқат, шоир асарлари таъсирчан, гўзал, лексик-семантик ва услубий жиҳатдан ранг-баранг. Бу ҳақда академик Ҳ.Ҳамидов: «XVII–XIX асрлардаги қорақалпоқ шоирлари орасида ўз асарлари ва тили бўйича алоҳида ажралиб турадигани – Ажиниёз Қўсибой ўғли. Унинг асарларида, тилида Шарқнинг таъсири кўпроқ сезилади... У маҳаллий она тилини билиш билан бирга ўша даврнинг ҳавас қилса арзийдиган намунаси Шарқ маданиятини, тилини, Марказий Осиё ёзма адабий тилини яхши билган ва уни ўз она тили – қорақалпоқ тили билан пайваста қила олган. Ажиниёзнинг яна бир хусусияти – унинг ижоди ёзма адабий тилга мансублиги. Унинг ушбу анъанага бевосита алоқадорлигини кейинги йилларда топилган асарлари қўлёзма нусхалари тўла ойдинлаштиради» [2].

Шоир лирикасида бадиий тил пухта ишланган восита, у халқ лисонида истеъмолда бўлган луғавий бирликлардан ўринли ва унумли фойдаланиш даражаси билан ўлчанади. Бадиий санъат муайян малакасиз, нозик қочирим, сўзни ҳар хил маъно товланишларида қўллашларсиз ўз вазифасини тугал адо эта олмайди. Ажиниёз ўз асарларида сўз санъатининг турлича усулларини қўллаб, шеърларининг поэтик қимматини оширишга, уларни халқ дилига яқинлаштиришга интилган. Шоир, энг аввало, ўз асарларида сўзларнинг кўп маънолилигидан моҳирона фойдаланган, шу асосда шеърларида кўриш, тасаввур қилиш, севиш, фаҳм қилиш, тушуниш, англаш, ҳиссий завқланиш туйғулари билан боғлиқ уйғунликни ҳосил қилишга ҳаракат қилган.

Айнан ижодкор қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакиллари орасида бадиий тил имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилганлигини эътироф этиш жоиз. Унда тасвир кўпқатламлиги билан ифода ўзига хослиги бир-бирига ўтиб турадиган тушунчалар саналади. Шу боис, адабий талқинда халқона оҳанг устувор. Туйғулар реализми ҳаққонияти кўп маъноли сўзлар танловида ёрқин инъикосини топади. Бинобарин, истилоҳ тил мезонлари барқарорлашувида мустаҳкам замин ҳозирлайди. Одатда, тушунча маъно тармоқлари кенгайиши тил назариясида полисемия (гр. *poly* “кўп”, *sema* “белги”) деб аталади. Аксар ҳолларда бир сўз ўзида муқобил семантик вариантларни англатадиган бир қанча турғун маъно ташувчи бирликлар тарзида истеъмолда бўлади [3]. Кўп маъноли сўз қўлланилишида Ажиниёз поэтик маҳорати кўзга

ташланади. Санъаткор бадий нуткида конструкция ўз асосий номинатив маъноси билан баробар полисемик мазмун ҳосил қиладиган ранг-баранг мустақил ижодий предикатга эврилиди:

Бир ёр кўринса кўзимга,
Уни кўриб хуш этарман.... [4:75]
Сифатли ишини қилмаса,
Уни ўчоққа тош этарман.... [4:75]
Севиқли ёрдан хабар келса,
Мен унга юриш этарман... [4:75]
Аллоҳ берса ўн бешини,
Барчасин сирдош этарман... [4:75]

Бир яхши ёрни ўзимга,
Уни ҳам йўлдош этарман... (“Ўз вақтимни хуш этарман”).

Намуналарда «хуш этарман» сўз бирикмаси “қувонаман” маъносида, «тош этарман» умумлашмаси “ташлайман” маъносида, «юриш этарман» бирикуви “бораман” маъносида қўлланилса, «сирдош этарман» уйғунлиги эса, “дўст, йўлдош қиламан” маъносида келмоқда. Шунингдек, шоирнинг “Қарздорман, ичиб-едим кўп тузин, Кўп-кўп салом дегил мулла Еримга” шеъридаги **муз** сўзи полисемантик бўлиб, оғзаки сўзлашув услубида қўлланилса, ўз маъносида “ош тузи” деган тушунчани беради. Ажиниёз бу шеърида **муз** сўзини маъновий жиҳатдан кўп маъноли, “овқат”, “меҳмонда бўлиш” маъно кўчимини мантиқан таъкидлайди.

Мамбет тўра бош бўлиб, келади қўл,
Қўлнинг кўплигидан қазилар йўл... [4:127].

Бу мисоллардаги **қўл** сўзи “одамнинг қўли” маъносида эмас, сўз бирикмаларидаги “қўл келади”, “қўлнинг кўплиги” маъносида Мамбет тўра бошқарган аскарлар келаётгани, уларнинг кўплиги ҳақидаги тушунчани англатади. Демак, кўп маъновийлик лексик маъно одатий тадрижида эмас, балки маънолар орасидаги яхлитлик, маъно англатиш тизими тармоклари ҳосланганлик даражасидагина тўлақонли поэтик аҳамият касб этади.

Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари, кўп маъновийлик, уларнинг орасидаги боғлиқлик бу тарихий тараққиёт давомида барқарорлашадиган тил семантик ўзгаришларидан иборат. Масалан, Ажиниёз қаламига мансуб “Бўзатовли нозанин” номли шеърида бунинг ёрқин тажассумини кўриш мумкин:

Фалакнинг ўйини-Жайхун гирдоби,
Бир табассум қилсанг. Кўнглимнинг тоби,
Ишқ лашкарининг даҳшат қистови,
Бу омонот жонни тандан бездирар.
Кўнглим орзуларин бир-бир ёздириб,
Қайта бошдан кўхна дардим уйғотиб,
Кофир кўзинг мусулмонни оздириб,
Бечора Зеверни диндан бездирар... [4:98].

Лавҳада, биринчидан, эски ўзбек адабий тили лексик ва грамматик мезонларига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Иккинчидан, *фалакнинг ўйини, жайхун гирдоби, омонот жон, кофир кўз* каби сўз бирикмаларида кўзга ташланадиган образли ифода шоир ўзига хос индивидуал услубга эга эканлигини далолатлайди. Бу шеърий сатрларда ҳар бир сўзда алоҳида стилистик бўёқдорлик модаллиги мавжуд десак, муволаф қилмаган бўламыз.

Дарҳақиқат, сўз кўп маънолиги ҳосил бўлиши энг асосий усулларида бири – метафора. Ажиниёз асарларида қўлланган *метафоралар* поэтик нутққа алоҳида жозибадорлик ва эмоционаллик бағишлайди. Унда халқ тилига хос образли метафоралар ҳам («Сарғайиб кўринган дағның қулагы» [4:113]. «Теңиз етегинде болар қанший» [5:13]. «Мақтангандай бул қағаздың жүзине» [5:85]), бадий адабиётга хос образли-экспрессив метафоралар ҳам («Кўзини жаслатар, бағрыны тилип» [4:38]. «Бозатаўлы

гўлбинәфша нәзелим, Әселиң хәррени гўлден бездирер» [5:98]), фақат шоирнинг индивидуал услубига хос метафоралар («Көңил сәдебини бир-бир яздырып» [4:39]. «Ышқы қанжарый билән бағрыңны тилип» [5:32]. «Жүректің гилти, қайдасан» [4:28]. «Жүрегиме салган шоғым» [5:128]. «Нар болып йүкни шекмәгән, Не билсүн йолның қәдиринән» [5:61]) ҳам моҳирона фойдаланилган.

Истиорадан унумли фойдаланишда Ажиниёз индивидуал поэтик услуби ўзига хослиги кўзга ташланади. Унда ташбех қўллаш-тасаввур аниқлигини ҳосил қилиш билан пайванд адабий маҳорат савияси сезилади:

Сўзлаганда шакар этар сўзингни,
Кўрганда бемағрур этар ўзингни,
Баҳори тўйдирав икки кўзингни,
Лайли, Зулайҳодай қизлари бордир... [4:11].

Шеърий лавҳада муаллиф миллий маънавият ифодасини тадқиқ сахнига чиқаради. Юрт тараннуми чизилган манзара яратишда шоир «сўз», «кўз» тушунчалари маъно товланишларидан самарали фойдаланади. Тил, журъат ва ризқ-насиба маъноларини ташийдиган маъно узвларида ўзига хос тароват мужассам. Нутқ ва намоийш муқоясасини урғулаган санъаткор поэтик идрок яхлитлигини айнан тасаввурлараро рақобатдан ахтаради. Метафорик фикр қатидан сизиб чиқадиган мушоҳада мантиғи ташбехни деталлаштиради:

Авалло дунёга келди Банижон,
Эллик минг йилдан сўнг фоний демишлар,
Инси-жинси, жонли-жонсиз бир инсон,
Одам қарвон, дунё сарбон демишлар [4:197].

Ажиниёз «Демишлар» шеърида метафорик тафаккур умумлашган ифода тарзи кузатилади. Сюжет ва образни туташтирадиган истиорада мавжудлик жумбоғи, одамзод ибтидоси ва интихоси ҳамда ҳаётнинг мазмун-моҳияти фалсафий умумлаштирилади. Мавжуд ҳолат, биринчидан, тасаввур-таассурот кўпқатламлилиги ҳосиласи, иккинчидан, бадий вазифадошлик кенгайиши, учинчидан, ижодий яхлитлик зичлиги билан изоҳланади. Адабий мушоҳада Банижон қиёфаси доминант образ тарзида мушоҳада мантиқий тараққиётини таъминлаган. Ибтидоий тасаввурга мувофиқ, одамзоддан аввал пайдо бўлган баҳайбат қуш ақли ва сўзлаш олиш қобилиятига эга бўлган жонзот саналади. Эллик минг йил умр кўрадиган махлук тирноқ билан тоғлар қазиганлиги эътироф этилади [6]. Муаллиф «инсон қарвон, дунё сарбон» таъкидлови воситасида фақат ва фақат Эзгулик умри боқийлигига ишора қилади. Муаллиф фалсафий мушоҳада тазодий муносабати (бақо ва фано) ёрдамида инсониятни огоҳликка даъват этади.

Шоир ижодида *метонимиялар* ҳам бадийлик ифодаси сифатида кенг истифода этилган. Метонимия ҳам сўз семантикасини кенгайтириш усули бўлиб, унда бирор нарса-предмет ҳақида сўз бориб, бутунлай янги ҳодиса ва тушунчалар ҳақида сўз юритилади. Шоир асарларида унинг қуйидаги кўринишлари учрайди:

1. Муайян бир ҳудуд, макон ва улар орасидаги алоқа натижасида пайдо бўлган метонимиялар: Яман болса, бадбахт, аўылны бузар [5:77].

2. Шахс отлари метонимия сифатида қўлланилади: *Хожа Ҳафыз, Наўайидан сабағын*, Алан нешше талиб кетиби барды [5:19].

3. Нарса ва предмет номи шу объектга алоқадор бошқа нарсаларни атайди, умумлаштиради:

Барыны меҳмандын аямас, дэстурханын кең жайур [5:24].

4. Нарса ва предметнинг характер-хусусияти, кўринишини билдирувчи метонимиялар:

Қонақ келсе, *арық* сойма,
Семизин былай қойма [5:43].

5. Ранг билдирувчи метонимиялар:

Қыз-жаўаны *қызыл-яшил* кийерлер [5:19] ва шу кабилар.

Умуман, Ажиниёз шеърлятида вокеликни поэтик идроклаш ва реал баҳолаш жараёни тасаввурга мунтазам вазифадошлик юклаш – уни бойитиб бориш воситасида муайян эстетик салмок касб этган. Ваҳоланки, ички алоқани мақсадга йўналтирадиган тафаккур маърифатида тушунча ва материя моҳиятда ижодий иттифок ҳосил қилади. Предмет кенгайтирилган-теранлаштирилган талкини айнан

тафаккур тизимида туб эврилишлар ясайди. Жорий ҳолат сўз маъноси кўчиш усуллари ўзига хослигидан озикланади. Шу маънода, адабий талкин ижодий анъаналар билан узвий алоқалантирилган таҳлил маданиятидан ўсиб чиқади. Мавжуд йўналиш моддият-руҳониятни англаш ҳамда англатиш босқичларидан иборат. Унда семантик майдон мураккаблашиб, тасвир ва ифода сайқал топишига замин ҳозирлайди. Ҳар бир жараён каби ижодий шарҳ ҳам доимо давомий изланиш, ташбеҳ қўллаш танлови ҳамда шартли талкин жипслашувига эътибор қаратади. Маъно кўчими ўзига хослиги шоир бадий мушоҳадаларини тўлдирувчи, аниқловчи ҳамда бойитувчи ижодий омилга эврилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислон маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.
2. Ҳамидов Ҳ. Қарақалпақ тили тарийхының очерклері. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1974, 247-б.
3. Da'wletov A. Til bilimi tiykarlari. –No'kis: «Bilim», 2007, 108-б.
4. Әжинияз. Таңдамалы шығармалары. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1975.
5. Әжинияз. Мәңги мийраслар. –Нөкис: «Илим», 2014.
6. Мередов А. Ахаллы. Түркмен классыкы әдебиятының сөзлүги. –Ашгабат: 1988. 120-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қарақалпақ мумтоз адабиёти вакили Ажиниёз лирикаси тили семантик хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Унда шоир адабий талкинида кўп маъноли сўзлар услубий ўзига хослиги таҳлилга тортилган. Метафора ва кўп маъноли сўзлар ўзаро муносабати назарий жиҳатдан умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена семантическим особенностям языка произведений великого классика каракалпакской поэзии Ажинияза. Проанализированы многозначные слова. Изучены метафоры. Определены особенности использования многозначных слов, а также приведены яркие примеры.

SUMMARY. The article is devoted to semantic peculiarities of literary works of classic poet of Karakalpak literature Ajiniyaz. Polysemantic words, metaphors and metaphoric thinking were investigated. Peculiarities of using Polysemantic words were determined and there were given good examples of metaphors.

SO‘Z BIRIKMALARINI NUTQIY VA LISONIY SATHLARDA O‘RGANISHNING NAZARIY- METODIK ASOSLARI

*A.Madaminov – filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat unuversiteti*

Tayanch so‘zlar: formal, formal-funksional, semantic, substansial, turk-fransuz varianti, jadidlar, sho‘rolar davri, sistem-struktur, til, me‘yor, nutq, paradigmatic, sintagmatik munosabatlar.

Ключевые слова: формальный, формально-функциональный, семантический, субстанциальный, турецко-французский вариант, джадиды, системно-структурная, язык, норма, речь, парадигматические, синтагматические отношения.

Key words: formal, formal-functional, semantic, substantial, Turkish-French version, Jadids, systemic-structural, language, norm, speech, paradigmatic, syntagmatic relations.

XX asr boshlarida shakllangan o‘zbek tilshunosligi hozirgacha shakliy (formal), mazmuniy (semantik), substansial (formal - funksional) yo‘nalishlarda taraqqiy etdi. Demak, o‘zbek tilshunosligining bosib o‘tgan yo‘lini quyidagi ikki davrga ajratib o‘rganish mumkin: 1) Sho‘rolar davri; 2) Mustaqillik davri kabi.

Birinchi bosqich (1910-1930 yillar) jadidlar tomonidan amalga oshirilgan bo‘lib ular o‘zbek tilshunosligiga formal yo‘nalishning turk-fransuz variantini olib kirdilar. Bu yo‘nalish targ‘ibotchilari sifatida A.Avloniy, Behbudiy, Botu, Zohiriy, A.Fitrat, Elbek, Qayum Ramazon kabi ma‘rifatparvarlarini ko‘rsatish mumkin. Ayniqsa, professor A.Fitrat tomonidan ilk bor o‘zbek tilining “Sarf”(morfologiya) va “Nahv”(sintaksis) nomli ikki qismdan iborat darsliklarining yaratilishi katta tarixiy ahamiyatga ega bo‘ldi [13] Chunki, A.Fitratning bu asarlarida formal yo‘nalishdagi o‘zbek tili grammatikasining ilk namunalari yaratilgan edi.Unda asosiy sintaktik birliklardan so‘z birikmalari va gap haqida dastlabki nazariy ma‘lumotlar beriladi. Bu asar haqida professor A.Nurmanov: “Hali o‘zbek tili sintaksisining mundariyasi belgilanmagan, sintaktik tushunchalarni ifodalovchi atamalar tizimi izga solinmagan bir davrda mazkur asarning vujudga kelishi o‘zbek tilshunosligi tarixi uchun katta voqea edi”, - deb ta’kidlaydi [8:155]. Haqiqatan ham o‘zbek tili sintaksisining ilk namunalari o‘sha asrlarda yaratilgan edi. Keyinchalik, 1933 yili H.Qayumiy va S.Dolimovlar ikki qismdan iborat “Grammatika” o‘quv qo‘llanmasini yozib uning ikkinchi qismini “Nahv”(sintaksis) deb ataydilar [8:203].

Formal yo‘nalishning ikkinchi davri rus tilshunosligi andozalari asosidagi o‘zbek tili grammatikasini shakllantirishga qaratiladi. Dastlab bu yo‘nalish yetuk

tilshunos olimlarimizdan professor A.G‘ulomov, A.Borovkov, A.Kononov, U.Tursunovlar tomonidan boshlab berildi. Natijada, A.G‘ulomovning 1942-yili lotin grafikasida “O‘zbek tilida aniqlovchilar” nomli qo‘llanmasi, keyinchalik, 1955-yili “So‘z tartibi” va “Sodda gap” sintaksisiga oid asarlari yuzaga kela boshladi [11]. Natijada mashhur turkshunos olim professor A.N.Kononov tomonidan 1948–yili “O‘zbek tili grammatikasi” rus tilida nashr qilindi [3]. Shuningdek, 1950-70-yillarda professor G‘Abdurahmanov, F.Abdullayev, I.Rasulov, A.Sayfullayev, F.Ubayeva va boshqa olimlarning o‘zbek tili sintaktik qurilishiga doir tadqiqotlari yuzaga kela boshladi. Yo‘qoridagi olimlarning ilmiy qarashlarini umumlashtirgan holda, 1965 yili professor A.G‘ulomov va M. Asqarotvirlar tomonidan Oliy o‘quv yurtlari uchun “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” darsligi yaratildi [12:8:204]

XX asrning 70-80 yillari professor F. Abdullayev, M.K. Sharipov, A.Safayev, H.Abdullayev, A.Koklyanova, Komilova X, X.Xolyarov, F.Ibrahimo, B.To‘ychibayev, N.Bazarbayev, A.Madaminovlar tomonidan sodda va murakkab so‘z birikmalarining nazariy masalalari ilmiy jihatdan tahlil qilindi [5:29-32]. Mazkur ilmiy tadqiqotlarning metodologik asosini rus tilshunoslaridan akademik V.V.Vinogradov, F.F.Fortunatov, A.M.Peshkovskiy kabi olimlar tomonidan shakllantirilgan formal-funksional tilshunoslik tashkil etadi [2]. Natijada, o‘zbek tilidagi so‘z birikmalari sintaksisi formal yo‘nalishda nazariy jihatdan chuqur o‘rganildi.Jumladan, so‘z birikmalari barcha turkiy tillar kabi o‘zbek tilida ham formal funksional tomondan quyidagicha tasnif qilina boshladi:So‘z birikmalari tuzilishiga ko‘ra sodda va murakkab; hokim bo‘lagining ifodalanishi jihatidan ot(keng ma‘noda) va fe‘lli; sintaktik aloqasi usuliga ko‘ra -